

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СОБИРОВ МУХТОРЖОН МАХАММАДЖАНОВИЧ

**ИНСЕКТИЦИД ФАОЛЛИККА ЭГА БЎЛГАН АЗОТ, ФОСФОР,
КАЛИЙЛИ МУРАККАБ СУСПЕНЗИЯЛИ ЎҒИТ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Собиров Мухторжон Махаммаджанович

Инсектицид фаолликка эга бўлган азот, фосфор, калийли мураккаб
суспензияли ўғит олиш технологиясини яратиш..... 3

Собиров Мухторжон Махаммаджанович

Разработка технологии получения комплексного суспендированного
азотно-фосфорно-калийного удобрения, обладающего инсектицидной
активностью..... 21

Sobirov Muhtorjon Mahammadjanovich

Development of technology for obtaining complex suspended nitrogen-
phosphate-potassium fertilizers possessing insecticide activity..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СОБИРОВ МУХТОРЖОН МАХАММАДЖАНОВИЧ

**ИНСЕКТИЦИД ФАОЛЛИККА ЭГА БЎЛГАН АЗОТ, ФОСФОР,
КАЛИЙЛИ МУРАККАБ СУСПЕНЗИЯЛИ ЎҒИТ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т173 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таджиев Сайфитдин Мухитдинович
кимё фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «20» 12 2017 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanuz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «9» 12 кuni тарқатилди.
(2017 йил «9» 12 даги № 9 рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг жадал ўсиши, экинга яроқли ер ресурслари ва сув захираларини қисқариши жаҳон миқёсида янги турдаги ўғитлар ишлаб чиқариш муаммосини янада кучайтирмоқда. Шунинг учун ўғит ишлаб чиқариш саноати ва қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири аҳолини сифатли маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборат. Шу ўринда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан юқори самарадорлик даражасида таъминлаш долзарб муаммолардан биридир.

Бугунги кунда жаҳонда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштириш, ҳамда илғор технологиялар, қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий асосланган тизимини тадбиқ этиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг чора тадбирларини ошириш масалалари мавжуд. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг самарадор усулларидан бири, бу уларни суяқ ҳолда ишлаб чиқаришдир. Бу ўғитларни ишлаб чиқаришда бир қатор жараёнларни қисқартириш ва қаттиқ ўғитлар ишлаб чиқаришга қараганда сезиларли даражада харажатларни камайтиришга олиб келади. Ундаги озуқа моддаларининг концентрациясини юқорилиги уларни истеъмолчига етказиш самарадорлигини оширади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда маҳаллий хом ашёлар асосида таркибида азот, фосфор, калий ҳамда бошқа озуқа моддалари бўлган ўғитлар олиш технологияларини яратишни ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг иқтисодий самарадор усулларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш борасида кенг қамровли чора тадбирлар асосида назарий ва амалий натижаларга эришилди. Бу борада ўсимликларни ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилувчи (аммофос, нитрофос, суперфосфат, аммиакли селитра ва бошқ.) ўғитларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу билан биргаликда бу ўғитлар ўсимликлардан юқори ҳосил олиш учун таркиб жиҳатдан қаноатлантирмаслиги ва ишлаб чиқаришда юқори энергия сарфига етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, юқори карбонатли Марказий Қизилкум фосфоритлари асосида юқори самарадорликка эга бўлган янги навли суспензияли мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришнинг рационал технологиясини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегияси», 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда суюқ ва суспензияли ўғитлар олиш бўйича кенг маълумотлар манбаи мавжуд ва кенг ёритилган. Ўзбекистонда М.Н.Набиев раҳбарлигида ноорганик моддалар технологияси ихтисослиги бўйича илмий мактаб яратилиб, суюқ ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича Беглов Б.М., Номозов Ш.С., Тухтаев С., Султонов Б.Э., Дехқонов З.Қ., Бахриддинов Н.С., Шерқузиёв Д.Ш., Ибрагимова У., Амирова А.М. ва бошқа намояндалари томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилган ва минерал ўғитлар олиш технологияларини яратиш ва фаннинг ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган. Б.Э.Султонов, З.Қ.Дехқонов ва Д.Ш.Шерқузиёвлар томонидан Қизилқум фосфоритларини кислота иштирокида парчалаб, уни центрифугада, сув ёки органик эритмалар билан ювиб қаттиқ ва суюқ қисмларга ажратиш оркали таркибада қисман фосфори бўлган кальцийли суюқ ўғитлар олинган.

Дунёда L.T.Herbert, S.S.Lanyi, R.Slinksiene, C.James, G.Panayotova, B.H.Мищенко, А.Г.Степченко, О.Б.Дормешкин, Н.Travis, Т.М.Bhatti, W.P.Kennedy, K.W.Keenan ва бошқа олимлар таркибида олтингугурт сульфат тузлари шаклида бўлган суюқ ва суспензияли ўғитлар олиш ва ишлаб чиқариш технологиялари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, юқорида қайд этилган олимлар томонидан юқори карбонатли фосфоритларни олтингугурт иштирокида, нитрат кислотанинг тўлиқсиз меъёрларида қайта ишлаб юқори самарадорликка эга бўлган азот, фосфор, калийли инсектицид фаол мураккаб суспензияли ўғитлар олиш технологиясини яратиш бўйича ҳозирги кунгача ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИФА-2012-7-4 рақамли «Суюқ суспензиялаштирилган фосфор- ва олтингугуртли селитра олишнинг рационал технологиясини амалиётга жорий қилиш» (2012-2013 йй.), ФА–И7-ТО25 рақамли «Маҳаллий хом ашё асосида кўп функцияли таъсирга эга

бўлган беш турдаги суяқ комплекс ўғитлар олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат миқёсида синаш» (2015-2016 йй.) ва ИФА-2017-7-4 рақамли «Маҳаллий хом ашё асосида суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» (2017 й.) мавзуларидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимликларни ҳам илдиз, ҳам барги орқали озиклантириш учун универсал таъсирга эга бўлган азот-фосфорли ва азот-фосфор-калийли мураккаб суспензиялаштирилган ўғитлар олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

фосфорит хом ашёсини нитрат кислотасининг тўлиқсиз меъёрида парчалашдаги кўпикланиш жараёнини, ундан ташқари кўпик ҳосил бўлиш жараёнига элементар олтингугуртнинг таъсирини аниқлаш;

фосфорит унини тўлиқсиз меъёрдаги нитрат кислотасида парчаланиш кинетикасини таҳлил қилиш;

фосфорит унини нитрат кислотасида парчалаб олинган маҳсулот, кислотани аммиакли сув ёки аммиак гази билан нейтраллаб олинган аммоний нитрати эритмаси ёки карбамид эритмаси ва калий хлорид асосида суспензиялаштирилган мураккаб NP- ва NPK-ўғитлар олиш жараёнини таҳлил этиш;

олтингугуртли азотфосфоркислотали бўтқа, аммоний нитрати ёки карбамид эритмаси ва калий хлорид асосида суспензиялаштирилган мураккаб NPS- ва NPKS-ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

янги турдаги суспензиялаштирилган мураккаб ўғитларнинг реологик ва товар хоссаларини ҳамда уларнинг турғунлигини аниқлаш;

анъанавий ва рационал усулларда суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олишнинг технологик тизими, техник-меъерий хужжатларини ишлаб чиқиш, материал оқимини тузиш ва техник-иқтисодий ҳисобларини ўтказиш;

«Samarqandkimyo» АЖ да суспензиялаштирилган мураккаб NP-ўғитларнинг тажриба-саноат синовларини ўтказиш, кейинчалик ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти юқори карбонатли Қизилқум фосфоритлари, элементар олтингугурт, аммоний нитрат, карбамид, газсимон аммиак, аммиакли сув ва калий хлориди.

Тадқиқотнинг предмети Қизилқум фосфорит унини тўлиқсиз меъёрдаги нитрат кислотаси билан парчалаш, нордон азотфосфор кислотали бўтқа, аммоний нитрати ёки карбамид эритмаси, калий хлорид ва элементар олтингугурт асосида қониқарли реологик хоссаларга эга бўлган янги турдаги суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жадаллашган усулда фосфорит унини нитрат кислотасининг тўлиқсиз меъёри билан парчалаб олинган маҳсулотлар, аммоний нитрат ёки карбамид

эритмаси ва калий хлоридидан инсектицид фаолликга эга бўлган олтингугурт тутган секин таъсир этувчи суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

фосфорит унини нитрат кислота билан парчалашда кўпиклар ҳосил бўлишини бартараф этиш учун кислотанинг мақбул меъёри ва аралаштиргичнинг айланиш тезлиги аниқланган;

суспензиялаштирилган ўғит компонентларини фаоллаштириш жараёнига олтингугуртнинг таъсири, сувда эримайдиган компонентлар билан аралаштирилганда уни гидрофил ҳолатга ўтиши аниқланган;

янги турдаги суспензиялаштирилган мураккаб ўғитларнинг кимёвий таркиб ва хоссаларига аммоний нитрат, карбамид, элементар олтингугурт ва калий хлорид таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фосфат хом ашёси компонентларини нитрат кислотасининг тўлиқсиз меъёри билан жадал таъсирлашишида амалда ортиқча кўпикланиш кузатилмайди;

элементар олтингугурт қўлланилиши натижасида инсектицид фаолликга эга бўлган секин таъсир этувчи суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олинади, унинг бир қисми эса фосфат хом ашёсини парчалашда иштирок этади;

«Samarqandkimyo» АЖ даги мавжуд бўлган нитрофос ишлаб чиқаришда суспензияли ўғитлар олишнинг рационал технологияси тажриба-саноат миқёсида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди;

янги турдаги суспензияли мураккаб ўғитларни тажриба-саноат миқёсида ишлаб чиқариш натижасида ўсимликлар мақсадли равишда ўз вақтида асосий озика элементлари ва олтингугурт билан таъминланмоқда, бунда ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши кучаяди, касалликларга чидамлилиги, шу билан биргаликда ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати ошади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори карбонатли фосфорит унини нитрат кислотасининг тўлиқсиз меъёрида аммоний нитрат ва карбамид эритмалари, калий хлорид ва олтингугурт иштирокида кимёвий фаоллаштириб янги турдаги суспензияли мураккаб ўғитлар яратишга асос солинди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий хом ашё асосида ёпиқ ерлардаги (иссиқхона) барча турдаги экинлар, ундан ташқари мевали дарахтларни (жадаллашган боғлар) илдизидан ва барги орқали озиклантиришда юқори самарадорликга эга бўлган суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришнинг рационал технологияси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нитрофос ишлаб чиқаришдаги нордон нитрофосфатли бўтқа ва аммоний нитрати эритмаси асосида суспензияли мураккаб NP-ўғити олишнинг рационал технологияси «Samarqandkimyo» АЖ да амалиётга жорий этилган (Ўзкимёсаноат акционерлик жамиятининг 2017 йил 1 декабрдаги 01/3-6015/П сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқарилаётган донатор нитрофос ўғитига нисбатан 2,1-3,1 марта арзон бўлган юқори самарадорликка эга 5953 т суспензиялаштирилган ўғитлар ишлаб чиқариш имконини берган;

маҳаллий хом ашё асосида рационал технология билан суспензиялаштирилган мураккаб ўғитлар олиш бўйича Х-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида “Махам-Chirchiq” АЖ билан 96-14/5 сонли хўжалик шартномаси тузилган (2017 йил 11 май 304 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада қишлоқ хўжалиги экинлари учун таркибида барча озика моддалари тутган ва донатор ўғитларга нисбатан 2-3 марта арзон бўлган суспензиялаштирилган ўғитлар олиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 14 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фосфат хом ашёси тавсифи ва уларни мураккаб ўғитларга қайта ишлаш йўллари**» деб номланган биринчи бобида юқори карбонатли фосфорит унини аммоний нитрат, карбамид, калий хлориди ва олтингугурт иштирокида нитрат кислотали қайта ишлаш асосида суюқ ва суспензияли ўғитлар олиш йўналишида адабиётлар маълумотлари танқидий таҳлили келтирилган. Адабиётлар манбаси таҳлили асосида муаммонинг муҳимлиги асослаб берилган ва универсал таъсир этувчи суспензияли мураккаб ўғитлар олиш жараёнларини кенг миқёсда ўрганишга асос бўлади.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Тажрибаларни бажариш усуллари», «Ишлатиладиган хом ашёларни кимёвий таркиби ва хоссалари» ва «Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари» келтирилган.

«Суспензиялаштирилган мураккаб азот-фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида юқори карбонатли Қизилиқум фосфоритларини тўлиқсиз меъёрдаги нитрат кислотаси билан парчалашдаги кўпикланиш, бу фосфоритларнинг парчаланиш тезлиги ва суспензияли NP-ўғитларни олиш жараёнларини ўрганиш натижалари келтирилган. Лаборатория шароитида жараёнларни ўтказиш учун (оғир.,%): 17,55 - P_2O_5 ; 43,68 - CaO; 14,83 - CO_2 ; 1,68 - MgO; 2,47 - R_2O_3 ; 1,01 - SO_3 ; 2,17 - F; 1,19 - H_2O ; 3,80 - эримайдиган қолдиқ таркибдаги фосфорит уни (ФУ) ва стехиометрия бўйича 20-100% тўлиқсиз меъёрдаги 58,5%-ли нитрат кислотаси фойдаланилди.

Юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотали парчалашда кўпик ҳосил бўлиш жараёни кислота меъёри, уни етказиб бериш тезлиги ва аралаштиргич тезлигига боғлиқ равишда ўрганилди. Олтингугурт тутган суспензиялаштирилган ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ этишда ФУ:S = 9:1 нисбатда олтингугурт тутган фосфорит уни (ОТФУ) тайёрланди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, кислотани узатиб бериш тезлиги 2 г/дақ. ва айлантиргич тезлиги 700 айл/дақ. бўлганда кислота меъёри 20 дан 70% гача оширилганда ФУ учун кўпик карраси 2,33 дан 3,51 гача, ОТФУ учун эса 1,95 дан 3,21 гача ортади. Кислотани узатиб бериш тезлигини 2 дан 5 г/дақ. гача ошириш кўпик баландлигининг кўтарилишига олиб келади. Кислота меъёрининг 30 дан 70% гача ошиши ФУ ни парчалашда кўпик баландлиги 80 дан 221 мм гача ва ОТФУ ни қайта ишлашда 61 дан 202 мм гача ортади. Аралаштиргич тезлигини ошириш ФУ ҳам ОТФУ учун кўпик баландлигининг пасайишига олиб келади, чунки кўпик механик зарбларга бардош бермайди. ФУ ни “суюқфазали” парчалашдаги кўпик ҳосил бўлиш жараёни ҳам ўрганилди. ФУ нинг сувли суспензиясини (Қ:С=1:1) нитрат кислотали парчалашда зичлиги 1,4-1,5 г/см³ бўлган азотфоркислотали бўтқа ҳосил бўлади, бунда кўпик баландлиги минимал бўлади.

Нитрат кислотасининг 40-100% меъёрларида ФУ нинг парчаланиш тезлиги ўрганилди. Аниқландики, ФУ книнг кислота билан парчаланиш жараёни енгил амалга оширилади, компонентларнинг ўзар таъсирлашуви 2,5-30,0 дақиқалар давомида содир бўлади. Ҳарорат 30-45°C оралиғида ўзгаради. ФУ нинг 93-95% – асосий қисми 10 дақиқа давомида парчаланadi.

Нитрат кислотаси меъёрига боғлиқ равишда ФУ ни нитраткислотали парчаланиш маҳсулотлари ва кислотани газсимон аммиак билан нейтраллаб олинган аммоний нитрати эритмаси асосида озуқа моддаларининг ҳар хил нисбатларида суспензиялаштирилган мураккаб NP-ўғитлар олиш жараёни ўрганилди. Олинган азотфосфоркислотали бўтқалар суспензиялаштирилган ўғитлар олиш учун асосий суспензия билиб хизмат қилади. N : P_2O_5 нисбатлари 1 : 0,5 дан 1 : 1 гача бўлган суспензиялаштирилган NP-ўғитлар бўтқани аммоний нитрати эритмаси билан аралаштириш йўли билан олинди.

Тайёр маҳсулотда сувнинг миқдори 30% даражасида бўлади. HNO_3 нинг 40% меъёрида ва $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : 0,5$ нисбатида суспензиялаштирилган NP-ўғити таркибида 12,07% $\text{N}_{\text{умум.}}$, 6,03% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, 2,67% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$, 15,02% $\text{CaO}_{\text{умум.}}$, 6,76% $\text{CaO}_{\text{ўзл.}}$ ва 3,64% $\text{CaO}_{\text{суб.эрув.}}$ тутади (1-жадвал). $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : 1$ нисбатда эса $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ ва $\text{CaO}_{\text{умум.}}$ миқдорлари мос равишда 8,01 ва 19,94% гача ортади. Озиқа моддалари нисбатларига боғлиқ равишда озиқа компонентлар йиғиндиси ($\text{N} + \text{P}_2\text{O}_5 + \text{CaO}_{\text{ўзл.}}$) 22,88-23,35% ташкил этади. Шунга ўхшаш ҳолат нитрат кислотаси бошқа меъёрлари учун ҳам кузатилади.

1-жадвал

Нитрат кислотаси меъёри ва $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5$ нисбатига боғлиқ равишда суспензиялаштирилган NP-ўғитларнинг кимёвий таркиби, %

N:P ₂ O ₅	N			P ₂ O ₅			CaO			H ₂ O	Парч. коэфф.
	умум.	нит.	амм.	умум.	ўзл.	суб.	умум.	ўзл.	суб.		
HNO ₃ нинг 40% меъёрида											
1:0,5	12,07	7,24	4,82	6,03	2,67	0,48	15,02	6,76	4,84	30	44,28
1:0,7	10,03	6,42	3,61	7,02	3,06	0,55	17,48	7,82	5,63	30	43,59
1:1	8,01	5,59	2,40	8,00	3,41	0,61	19,94	8,85	6,40	30	42,63
HNO ₃ нинг 50% меъёрида											
1:0,5	12,02	7,49	4,52	6,00	3,31	0,69	14,96	8,33	6,00	30	55,17
1:0,7	9,98	6,74	3,24	6,99	3,78	0,79	17,4	9,68	7,01	30	54,08
1:1	7,96	5,96	1,99	7,96	4,21	0,88	19,83	10,92	7,95	30	52,89
HNO ₃ нинг 60% меъёрида											
1:0,5	12,03	7,82	4,21	6,01	3,88	1,06	14,97	9,87	7,23	30	64,56
1:0,7	10,00	7,09	2,90	7,00	4,47	1,22	17,42	11,43	8,39	30	63,86
1:1	7,49	5,98	1,50	7,49	4,71	1,28	18,65	12,19	8,98	30	62,88

Суспензиялаштирилган ўғитларнинг ассортиментини кенгайтириш мақсадида азотфосфоркислотали бўтқа ва 70 %-ли карбамид эритмасидан суспензия олинди. HNO_3 нинг 40 %-ли меъёрида ва $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5 = 1 : 1$ нисбатида суспензиялаштирилган NP-ўғити таркибида 8,43% $\text{N}_{\text{умум.}}$, ундан 60,02% амид, 39,98% эса нитрат шакларида, 8,42% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, ундан 41,21% ўзлашувчан шаклда, 20,97% $\text{CaO}_{\text{умум.}}$, ундан 50,26% ўзлашувчан шаклда бўлади (2-жадвал).

Суспензиялаштирилган ўғитларнинг асосий хусусиятлари реологик хоссалар (қовушқоқлик ва зичлик), эритманинг кристалланиш ҳарорати ва pH муҳити ҳисобланади, чунки ушбу кўрсаткишлар уларни олиш, сақлаш, ташиш ва тупроққа солиш шароитларини олдиндан белгилаб беради.

Аниқландики, аммоний нитрат эритмаси миқдори ортиши суспензиялаштирилган NP-ўғитлар қовушқоқлигини камайтиришга имкон беради. Масалан, 20°C ҳарорат ва нитрат кислотасининг 40% меъёрида $\text{N} : \text{P}_2\text{O}_5$ нисбатининг 1,0:1 дан 1:0,5 гача ўзгариши билан суспензиялаштирилган NP-ўғитлар қовушқоқлиги 17,35 дан 15,82 сПз гача камаяди. Бунда кристалланиш ҳарорати -1,5 дан -0,2°C гача пасаяди. Бу шароитларда суспензиялаштирилган NP-ўғитлари зичлиги 1,346-1,386 г/см³ га тенгдир. Ҳарорат кўтарилиши билан суспензиялаштирилган NP-ўғитлар

зичлиги ва қовушқоқлиги пропорционал равишда камаяди. Шунга ухшаш қонуният карбамид қўлланилганда ҳам кузатилади.


2-жадвал

Суспензиялаштирилган NP-ўғитлар кимёвий таркибининг нитрат кислота меъёри ва N:P₂O₅ га боғлиқлиги, %

N:P ₂ O ₅	N			P ₂ O ₅			CaO			H ₂ O	Парч. коэфф.
	умум.	нит.	амид.	умум.	ўзл.	сув.	умум.	ўзл.	сув.		
HNO ₃ нинг 40 % меъёрида											
1:0,5	13,39	2,67	10,72	6,7	2,88	0,52	16,67	8,45	6,39	30	42,99
1:0,7	10,84	3,03	7,81	7,59	3,20	0,57	18,88	9,54	7,24	30	42,16
1:1	8,43	3,37	5,06	8,42	3,47	0,62	20,97	10,54	8,05	30	41,21
HNO ₃ нинг 50 % меъёрида											
1:0,5	13,21	3,27	9,94	6,62	3,49	0,74	16,49	10,38	7,92	30	52,72
1:0,7	10,70	3,73	6,97	7,49	3,9	0,83	18,65	11,70	8,95	30	52,07
1:1	8,31	4,14	4,17	8,31	4,25	0,90	20,68	12,93	9,93	30	51,14
HNO ₃ нинг 60 % меъёрида											
1:0,5	13,14	3,91	9,23	6,59	4,12	1,13	16,39	12,25	9,45	30	62,52
1:0,7	10,64	4,46	6,18	7,45	4,61	1,27	18,53	13,81	10,67	30	61,88
1:1	8,25	4,94	3,31	8,25	5,05	1,39	20,54	15,26	11,83	30	61,21

Саноат-тажриба миқёсида ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида «Samarqandkiyo» АЖ нинг амалдаги – нитрокальцийфосфат ўғити (НКФЎ) ишлаб чиқариши шароитида азотфосфоркислотали бўтқа (4-5% N, 9-11% P₂O₅) олиш жараёнининг технологик тадқиқотлари ўтказилди.

Олинган натижалар асосида суспензиялаштирилган ўғитлар ишлаб чиқаришнинг содалаштирилган технологик тизими тавсия этилди (1-расм). Тизим асосан нитрат кислотаси ва аммиакли сувдан аммиакли селитра эритмасини олиш, уни нитрофосфатли бўтқа билан аралаштириш босқичларидан иборат.



1-расм. «Samarqandkiyo» АЖ да суспензиялаштирилган ўғитлар ишлаб чиқаришнинг содалаштирилган технологик тизими

Суспензиялаштирилган мураккаб NP-ўғитларнинг ишлаб чиқилган технологияси «Samarqandkimyo» АЖ га жорий қилинди. Тайёр маҳсулот – суюқ суспензиялаштирилган фосфорли селитра (ССФС) сариқ-жигарранг суюқ суспензия бўлиб, сувда эрийдиган тузлар – $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$, NH_4NO_3 ва $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$, қаттиқ фазаси эса CaHPO_4 ва кристалл панжараси бузилган $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$, ундан ташқари дастлабки фосфорит уни билан киритилган эримайдиган қолдиқлардан иборат.

Ўсимликлар тўлақонли ўсиши ва ривожланиши ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун таркибида учта озикали макроэлементлар - азот, фосфор ва калий тутган мураккаб ўғитлар зарурдир. Ушбу вазифага диссертациянинг «Суспензияли мураккаб азот-фосфор-калийли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи боби бағишланган.

Кўрстдики, нитрат кислотасининг 40% меъёри билан азотфосфоркислотали бўтқа, калий хлориди ва аммоний нитрати эритмаси асосида олинган суспензиялаштирилган мураккаб NPK-ўғити ($\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O}=1:1:1$) таркибида (3-жадвал) 7,06% $\text{N}_{\text{умум.}}$, ундан 30,03% аммиакли ва қолгани 69,97% эса нитрат шаклларда, 7,11% $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$, ундан 45,12% ўзлашувчан шаклда, 7,07% K_2O , 17,59% $\text{CaO}_{\text{умум.}}$, ундан 45,14% ўзлашувчан ва 32,12% сувда эрувчан шаклларда бўлади. Озика моддалар йиғиндиси ($\text{N}+\text{P}_2\text{O}_5+\text{K}_2\text{O}+\text{CaO}_{\text{ўзл.}}$) 27,41% ни ташкил этади. Аниқландики, аммоний нитрати миқдоринининг 26,75% гача ортиши ФУ нинг парчаланиш коэффициентини 45,12 дан 46,17% гача оширади. $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O}$ нисбати 1:1:2 ва нитрат кислотаси меъёри 40% бўлганда фосфор ва кальцийнинг сувда эрувчан шакллари мос равишда 0,50 ва 5,05%, кислотанинг 60% меъёрида эса 1,07 ва 7,19% га тенг бўлиши, яъни 2,14 ва 1,42 баробар ортади.

3-жадвал

Аммоний нитратни фойдаланиб олинган суспензиялаштирилган NPK-ўғитлар кимёвий таркибининг нитрат кислотаси меъёри ва $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O}$ нисбатига боғлиқлиги, %

$\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O}$	N			P_2O_5			CaO			K_2O	H_2O	Парч. коэфф.
	умум.	нит.	амм.	умум.	ўзл.	сув.	умум.	ўзл.	сув.			
HNO ₃ нинг 40 % меъёрида												
1:0,5:0,5	10,97	6,58	4,39	5,48	2,53	0,45	13,65	6,22	4,40	5,48	27,26	46,17
1:0,7:0,5	9,25	5,92	3,33	6,48	2,96	0,53	16,13	7,32	5,20	4,628	27,69	45,68
1:1:1	7,06	4,94	2,12	7,07	3,19	0,56	17,59	7,94	5,65	7,07	26,47	45,12
1:1:2	6,32	4,41	1,89	6,32	2,86	0,50	15,74	7,11	5,05	12,63	23,68	45,25
HNO ₃ нинг 50 % меъёрида												
1:0,5:0,5	10,93	6,81	4,11	5,46	3,11	0,65	13,60	7,66	5,46	5,46	27,27	56,96
1:0,7:0,5	9,21	6,22	2,99	6,45	3,63	0,76	16,06	9,04	6,47	4,60	27,70	56,28
1:1:1	7,03	5,27	1,76	7,02	3,9	0,80	17,51	9,79	7,03	7,03	26,48	55,56
1:1:2	6,29	4,71	1,57	6,29	3,51	0,72	15,67	8,76	6,28	12,58	23,71	55,80
HNO ₃ нинг 60 % меъёрида												
1:0,5:0,5	10,94	7,11	3,83	5,46	3,65	1,00	13,61	9,06	6,58	5,47	27,27	66,85
1:0,7:0,5	9,23	6,54	2,67	6,46	4,28	1,17	16,08	10,66	7,75	4,61	27,69	66,25
1:1:1	6,66	5,32	1,33	6,65	4,36	1,19	16,58	10,96	7,99	6,66	26,67	65,56
1:1:2	5,99	4,78	1,20	5,99	3,94	1,07	14,92	9,87	7,19	11,99	24,01	65,78

Суспензиялаштирилган NPK-ўғитлар ассортиментини кўпайтириш мақсадида азотфосфоркислотали бўтқа, калий хлорид ва 70%-ли карбамид эритмасидан суспензиялар олинди. Нитрат кислотаси 40% меъёрида олинган суспензиялаштирилган мураккаб NPK-ўғити ($N:P_2O_5:K_2O=1:1:2$) таркибида (4-жадвал) 6,58% $N_{умум.}$, ундан 60,03% амид ва қолган 39,97% эса нитрат шаклларда, 6,57% $P_2O_{5умум.}$, ундан 43,53% ўзлашувчан шаклда, 13,15% K_2O , 16,37% $CaO_{умум.}$, ундан 50,95% ўзлашувчан ва 38,36% сувда эрувчан шаклларда бўлади. Озиқа моддалар йиғиндиси ($N+P_2O_5+K_2O+CaO_{ўзл.}$) 34,64% ни ташкил этади.


4-жадвал

Карбамидни фойдаланиб олинган суспензиялаштирилган NPK-ўғитлар кимёвий таркибининг нитрат кислота меъёри ва $N:P_2O_5:K_2O$ га боғлиқлиги, %

N:P ₂ O ₅ :K ₂ O	N			P ₂ O ₅			CaO			K ₂ O	H ₂ O	Пар. коэфф.
	умум.	нит.	амид.	умум.	ўзл.	сув.	умум.	ўзл.	сув.			
HNO ₃ нинг 40 % меъёрида												
1:0,5:0,5	12,04	2,40	9,64	6,03	2,69	0,48	15,00	7,68	5,74	6,02	26,99	44,61
1:0.7:0,5	9,94	2,77	7,16	6,96	3,06	0,54	17,32	8,83	6,64	4,97	27,51	43,97
1:1:1	7,39	2,96	4,43	7,38	3,20	0,56	18,39	9,36	7,05	7,38	26,31	43,36
1:1:2	6,58	2,63	3,95	6,57	2,86	0,5	16,37	8,34	6,28	13,15	23,43	43,53
HNO ₃ нинг 50 % меъёрида												
1:0,5:0,5	11,89	2,94	8,95	5,96	3,26	0,69	14,85	9,43	7,13	5,96	27,02	54,70
1:0.7:0,5	9,82	3,42	6,39	6,88	3,72	0,78	17,12	10,84	8,21	4,91	27,54	54,07
1:1:1	7,29	3,63	3,66	7,30	3,90	0,82	18,16	11,48	8,72	7,29	26,35	53,42
1:1:2	6,50	3,24	3,26	6,51	3,49	0,73	16,19	10,24	7,77	13,02	23,49	53,61
HNO ₃ нинг 60 % меъёрида												
1:0,5:0,5	11,84	3,52	8,31	5,94	3,74	1,06	14,77	11,05	8,51	5,93	27,03	62,96
1:0.7:0,5	9,77	4,09	5,67	6,84	4,28	1,21	17,02	12,70	9,80	4,88	27,56	62,57
1:1:1	7,25	4,34	2,90	7,25	4,50	1,27	18,06	13,45	10,40	7,25	26,37	62,07
1:1:2	6,47	3,87	2,59	6,47	4,02	1,14	16,11	12,00	9,27	12,94	23,53	62,13

Кўрсатдики, карбамид микдорининг 22,15% гача оширилиши, яъни $N:P_2O_5:K_2O$ нисбатининг 1:1:2 дан 1:0,5:0,5 гача ўзгариши билан ФУ нинг пачаланиш коэффиценти сезиларсиз, 43,53 дан 44,61% гача ортади. Нитрат кислотаси меъёрининг 40 дан 60% гача оширилиши фосфор ва кальций ўзлашувчан шаклларини мос равишда 2,86 дан 4,02% гача ва 8,34 дан 12,00% гача оширади. Бунда ФУ нинг парчаланиш коэффиценти 43,36 дан 62,96% гача ортади.

Олинган маълумотлар асосида кислота меъёри ва озуқа моддалари нисбатларига боғлиқ равишда суспензиялаштирилган мураккаб NPK-ўғитлардаги фосфор ва кальцийни сувда эрувчан шаклларини ўзгариши кўрсатилди (2-расм). Аниқландики, нитрат кислотаси меъёри ортиши билан фосфор ва кальцийнинг сувда эрувчан шакллари ошади. Кейинчалик, NPK-бўтқаларнинг реологик хоссалари ўрганилди. Аниқландики, ФУ нинг нитрат кислотали парчаланиш маҳсулоти билан аммоний нитрати ёки карбамид эритмаси ва калий хлоридни кўшиш ўғитларнинг реологик хоссалари яхшилайти ҳамда тайёр маҳсулотлар яхши реологик хоссаларга эга бўлади.



2-расм. HNO_3 меъёри ва $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O}$ нисбатига боғлиқ равишда фосфор (а) ва кальцийнинг (б) сувда эрувчан шакллари миқдорининг ўзгариши

Нитрат кислотасининг 40% меъёрида суспензиялаштирилган мураккаб ўғитларни қатламланиш даражаси аниқланди, ва ўрнатилдики, сақлаш вақтининг ошиши билан қатламланиш даражаси ортиб боради. Масалан, аммоний нитрат эритмасини қўллаш орқали $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O} = 1:1:1$ нисбатда қатламланиш даражаси бир суткадан сўнг 2,73%, 6 суткадан сўнг 11,53%, 40 суткадан сўнг эса 30,36% ни ташкил этади. Шу каби боғлиқлик карбамид эритмасини қўллаш билан ҳам кузатилади.

Суспензиялаштирилган мураккаб ўғитларни турғунлаштириш учун Навбахор кони бентонит гиллари (Навоий вил.) қўлланилди. Бентонит суспензияси қўшилганда тайёр маҳсулот турғунлиги икки баробар ошади.


Минерал ўғитлар таркибида олтингугурт тупрокни соғломлаштириш ва ўсимликларни турли хил касалликларга чидамлилигини оширадиган азот, фосфор ва калий билан бир қаторда зарур бўлган 4-чи озуқа элементи ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Олтингугурт тутган суспензиялаштирилган азот-фосфор ва азот-фосфор-калийли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи боб олтингугуртли суспензиялаштирилган комплекс ўғитлар олишга бағишланган.

Маълумки, ҳўлланувчан (гидрофиль) олтингугурт минераллар, жумладан фосфоритларни фаоллаштириш жараёнида анча фаол иштирок этади. Суспензиялаштирилган ўғитлар компонентларининг дисперслиги ва аралашшиш (ўзаро таъсирлашиш) вақтига боғлиқ равишда олтингугуртни ҳўлланиш даражасига таъсири ўрганилди. Кўрсатдики, 10 дақиқали майдалашда олтингугурт заррачалари ўлчами $<0,063$ мм га этади.

Олтингугурт иштирокида фосфорит унининг фаолланиш жараёнини ўрганиш учун $\text{FU} : \text{S} = 1 : 1$ нисбатда ралашма тайёрланди. Фосфорит унининг элементар олтингугурт билан ўзаро таъсирлашиш вақтининг ортиши, шу билан биргаликда олтингугурт заррачалари ўлчамининг кичрайиши билан FU нинг фаолланиш даражаси ошади. Масалан, 5 дақиқали ўзаро таъсирлашишдан сўнг олтингугурт заррачалари ўлчами 0,5 мм дан 0,063 мм гача кичрайганда FU нинг фаолланиш даражаси 14,14 дан 20,07% гача ошади, яъни P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли 1,24 дан 1,76% гача ортади. Бунда, олтингугуртни гидрофоб шаклдан гидрофил шаклга ўтиши 30 дан 45% гача ўзгаради. Олтингугурт заррачаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда компонентларнинг 10 дақиқали ўзаро таъсирлашувида FU да P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли ўртача 2,40% ни ташкил этади, яъни FU ни фаолланиш даражаси 27,0% га тенг бўлади, олтингугуртни гидрофилланиш даражаси эса 71-76% ни ташкил этади. Компонентларнинг таъсирлашиш вақтини кейинги оширилиши олтингугуртнинг гидрофилланиш даражаси 95% билан FU ни фаолланиш даражасига деярли таъсир кўрсатмайди. Аниқландики, элементар олтингугуртнинг сувда эримайдиган тузлар, яъни FU ни ташкил қилган компонентлар билан таъсирлашувида уларнинг фаолланиш (кристалл тузилишини бузилиши), шу вақтнинг ўзида олтингугуртнинг гидрофил шаклга ўтиш жараёнлари содир бўлади.

ОТФУ нинг 40-100 % меъёрдаги 58,5 %-ли нитрат кислотаси билан ўзаро таъсирлашув тезлиги ўрганилди. Олинган натижалардан кўринмоқдаки (3-расм), ОТФУ нитрат кислота билан парчалашда P_2O_5 нинг суюқ фазага ўтиши FU ни олтингугуртсиз парчалашга нисбатан 8-10% га юқори бўлади.




3-расм. HNO_3 нинг ҳар хил меъёрларида (%) P_2O_5 нинг суюқ фазага ўтиш даражасига ўзаро таъсирлашиш вақтига боғлиқлиги: 1-40; 2-50; 3-60; 4-70; 5-80; 6-90 ва 7- 100

Олтингугурт тутган азотфосфоркислотали бўтқа ва аммоний нитрати эритмаси асосида янги турдаги NPS- ва NPKS-ўғитлари олинди. Кўрсатдики, системага киритилган элементар олтингугурт ва аммоний нитрат эритмаси

нафақат ФУни парчаланиш даражасини оширади, балки олинадиган ўғит сифатини яхшилади. Аммоний нитрат эритмаси меъерининг, яъни $N:P_2O_5$ нисбатини 1:1 дан 1:0,5 гача ошишида ФУ ни парчаланиш коэффициенти 38,00 дан 40,07% гача ортади. Суспензиялаштирилган NPS-ўғити асосан аммоний ва кальций нитратлари, монокальцийфосфат, дикальцийфосфат, элементар ва сульфатли олтингугурт, гипс, эримайдиган қолдиқ, тўлиқ парчаланмаган, аммо фаоллаштирилган фосфоритлардан иборат.

Нитрат кислотаси меъери ва озуқа моддалари нисбатига боғлиқ равишда олтингугурт тутган суспензиялаштирилган NPS-ўғитлардаги элементар олтингугуртнинг сульфатли шаклга ўтиш даражаси ўрганилди (4-расм). Аниқландики, нитрат кислотаси меъерининг 30 дан 70% гача ва $N:P_2O_5$ нисбатининг 1:1 дан 1:0,5 гача ортиши билан олтингугуртнинг сульфат шакли ошади.



4-расм. HNO_3 меъерига боғлиқ равишда $N:P_2O_5$ ҳар хил нисбатиларида – а-сульфатли олтингугурт, б-элементар олтингугурт шакллари миқдорининг ўзгариши. $N:P_2O_5$: 1– 1:0,5; 2– 1:0,6; 3– 1:0,7; 4– 1:0,85 ва 5– 1:1.

Масалан, $N:P_2O_5 = 1:0,5$ ва нитрат кислотасининг 30% меъерида, олтингугуртни сульфат шакли 0,99%, кислота меъери 70% да у 1,69% га тенг, яъни 1,71 баробар ортади. Яъни нитрат кислотаси меъерининг 30 дан 70% гача ортиши билан элементар олтингугурт миқдори 2,65 дан 1,92% гача, ёки 1,38 баробар камаяди. Бу шундан далолат берадики, кислота меъери ортиши билан элементар олтингугуртнинг сульфат шаклга ўтиш даражаси ошади.


Инсектицид фаолликга эга бўлган олтингугурт тутган секин таъсир этувчи суспензиялаштирилган NPKS-ўғитлар ОТФУ нинг нитрат кислотали парчалаш маҳсулотларини калий хлорид ва аммоний нитрат эритмаси билан аралаштириш йўли билан олинди. Суспензияда олтингугурт одатда гидрофиль ҳолатда бўлади. Ундан ташқари, ОТФУ ни нитрат кислотаси билан ўзаро таъсирлашувида элементар олтингугуртнинг бир қисми сульфат кислотагача оксидланади. Масалан, ОТФУ ни 30%-ли меъеридаги нитрат

кислотаси ва $N:P_2O_5=1:0,5$ нисбатда парчалаганда 28,57% элементар олтингугурт SO_4^{-2} га айланади, кислотанинг 70% меъёрида эса олтингугуртнинг SO_4^{-2} га айланиш даражаси 1,68 баробар ортади.

Суюқ суспензиялаштирилган ўғитларда азот нитрат ва амид шаклларда, фосфор моно- ва дикальцийфосфатлар кўринишида, таъсирлашмаган фосфорит фаолашган шаклда, олтингугурт эса сульфатлар кўринишида ва элементар шаклда бўлади.

Аниқландики, 2% бентонит глинини кўшганда аммоний нитрат билан бўлган суспензиянинг турғунлиги бир суткадан сўнг 0,71%, 30 суткадан сўнг 22,67%, карбамид билан бўлган суспензияники мос равишда 0,61 ва 16,15% ни ташкил этади.

Технологик тадқиқотлар асосида бойитилмаган юқори карбонатли ФУ, нитрат кислотаси, азотли компонентлар, олтингугурт ва калий хлорид асосида суспензиялаштирилган NPS- ва NPKS-ўғитлар олишнинг моддий баланси ҳисобланди ва принципиал технологик тизими тавсия этилди (5-расм).



5-расм. Жадаллашган усул бўйича фосфорит уни, нитрат кислотаси, аммоний нитрати эритмаси, олтингугурт ва калий хлоридидан NPS- ва NPKS-ўғит ишлаб чиқаришнинг технологик тизими: 1-аралаштиргич, 2-шнекли реактор, 3-нейтраллаштиргич, 4- реактор-аралаштиргич, 5-марказдан қочма насослар, 6-рампа.

Таркиб ва озуқа моддалар йиғиндисига боғлиқ равишда 1 т мураккаб ўғит суспензиясини ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик донаторланган мураккаб ўғит – нитрофосга нисбатан 313954,85-415451,77 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотасининг тўлиқсиз меъёри билан парчалаш, калий хлорид, элементар олтингугурт ва азотли ўғитлар – аммоний нитрат ва карбамид эритмалари асосида лаборатория ва йириклаштирилган модел қурилмаларида ўтказилган технологик тадқиқотларни ўтказиш натижасида универсал таъсирга эга комплекс препаратлар олишни ташкил этишнинг принципиал мумкинлиги кўрсатилди.

2. Юқори карбонатли фосфорит унини олтингугурт иштирокида нитрат кислотаси билан парчалашда кўпикланиш жараёни ўрганилди, натижада аниқландики, мақбул параметрлар қуйидагилар ҳисобланади: HNO_3 меъёри - 40-60%; кислотани узатиб бериш тезлиги - 2-5 г/дақ.; айлантиргич тезлиги 1000 айл/дақиқадан кам эмас. Фосфорит унининг парчаланиш тезигини ўрганиш шуни кўрсатдики, $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл}}$ нинг суюқ фазага максимал ўтиши (40-60%) 5-10 дақиқа мобайнида эришилади. Жадаллашган технология буйича суспензиялаштирилган мураккаб NP-ўғитлар олишнинг мақбул параметрлари тавсия этилди. Суспензиялаштирилган NP-ўғитлар намуналари қоникарли реологик хоссаларга эгадир.

3. Ишлаб чиқаришнинг иккита технологик – тўлиқ (фосфорит унини нитрат кислотали парчалаш маҳсулотлари билан концентранган аммоний нитрат эритмасини аралаштириш йўли билан) ва содалаштирилган (тайёр нитрофосфат бўтқаси билан аммиакли сув ва кислотадан олинган аммоний нитрати эритмасини аралаштириш йўли билан) тизимлари ишлаб чиқилди. Ушбу технология амалдаги нитрофос ишлаб чиқаришидаги саноат-тажриба қурилмасида синовдан ўтказилди ва суюқ суспензияли фосфорли селитра номи остида 411 млн. сўм қийматга эга 5953 т NP-ўғит суспензияси ишлаб чиқарилди.

4. Ўтказилган тадқиқотлар асосида жадаллашган технология буйича таклиф этилаётган суспензиялаштирилган мураккаб NPK-ўғитлар олишнинг мақбул параметрлари аниқланди. Сақлаш вақтига боғлиқ равишда нитрат кислотасининг 40%-ли меъёрида олинган суспензиялаштирилган ўғитларнинг қатламланиш даражаси ўрганилди. Аниқландики, $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5:\text{K}_2\text{O} = 1:1:1$ нисбатда қатламланиш даражаси бир суткадан сўнг 2,73%, 6 суткадан сўнг 11,53%, 40 суткадан сўнг эса 30,36% ни ташкил этади. Стабилизатор сифатида 2% микдорда Навбаҳор кони бентонит гилини қўллаш маҳсулотнинг турғунлиги икки баробар ошади.

5. Суспензиялаштирилган ўғит компонентларининг олтингугуртни гидрофилланиш даражасига таъсири ўрганилди. Фосфат хом ашёсининг элементар олтингугурт билан ўзаро таъсирлашиш (аралаштириш) вақтининг ортиши, шу билан биргаликда олтингугурт заррачалари ўлчамининг кичирайиши билан фосфорит унининг фаолланиш даражаси ошади. Олтингугурт тутган фосфорит унини нитрат кислотаси билан парчаланиш

тезлиги ўрганилди ва кўрсатдики, P_2O_5 нинг суюқ фазага ўтиши ФУ ни олтингугуртсиз парчаланишга нисбатан 8-10% га юқори бўлади.

6. Нитрат кислотанинг 40-60% меъёрларида секин таъсир этувчи суспензиялаштирилган NPS- ва NPKS-ўғитлар олишнинг мақбул параметрлари аниқланди. NPS- ва NPKS-ўғитларининг олинган суспензиялари таркибида мос равишда 7,02-12,63% ва 5,69-11,42% N, 5,70-7,83% ва 5,20-6,92% P_2O_5 , 7,55-13,83% ва 6,16-11,53% $CaO_{ўзл.}$, 3,74-5,13% ва 3,41-4,53% S тутган. NPKS-ўғитларда қўшимча равишда 5,20-12,42% K_2O бўлади.

7. Ўтказилган технологик тадқиқотлар асосида паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларидан янги турдаги суспензиялаштирилган NP-, NPK-, NPS- ва NPKS-ўғитлар олиш жараёнларининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, «Samarqandkiyo» АЖ нинг йириклаштирилган қурилмада ҳамда нитрофос цехининг амалдаги ускунасида янги турдаги суспензиялаштирилган NP-ўғитнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилди. Уларни ишлаб чиқаришнинг моддий баланси тузилди ва принципиал технологик тизими тавсия этилди.

8. Суспензиялаштирилган NP-, NPK-, NPS- ва NPKS-ўғитлар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш буйича ҳисоблар шуни кўрсатдики, таркиб ва озуқа моддалар йиғиндисига боғлиқ равишда 1 т мураккаб ўғит суспензиясини ишлаб чиқаришда иқтисод донадорланган мураккаб ўғит – нитрофосга нисбатан 313954,85-415451,77 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

СОБИРОВ МУХТОРЖОН МАХАММАДЖАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ КОМПЛЕКСНОГО
СУСПЕНДИРОВАННОГО АЗОТНО-ФОСФОРНО-КАЛИЙНОГО
УДОБРЕНИЯ, ОБЛАДАЮЩЕГО ИНСЕКТИЦИДНОЙ
АКТИВНОСТЬЮ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2017.2.PhD/T173 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель:

Таджиев Сайфитдин Мухитдинович
кандидат химических наук

Официальные оппоненты:

Намазов Шафоат Саттарович
доктор технических наук, профессор

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита состоится «20» 12 2017 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 9, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «9» 12 2017 года
(реестр протокола рассылки № 9 от «9» 12 2017 года.




Закиров Б.С.
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н.


Салиханова Д.С.
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н.


Тухтаев С.
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.х.н., проф., академик

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире при интенсивном росте населения, сокращения пригодных земельных ресурсов и водных запасов усиливается проблема производства новых видов удобрений. Поэтому одной из важных задач промышленного производства удобрений и сельского хозяйства является полноценное удовлетворение потребности населения в качественных продуктах. В этом плане одним из актуальных проблем является обеспечение на высоком уровне сельского хозяйства минеральными удобрениями.

В настоящее время в мире имеются задачи повышения эффективности использования минеральных удобрений и усовершенствование способов их производства, также внедрение передовых технологий, повышение мер научно-обоснованных систем ведения сельского хозяйства и охрана окружающей среды. Одним из эффективных способов производства минеральных удобрений является получение их в жидком виде. При производстве таких удобрений приводит к сокращению ряд процессов и по сравнению твердыми удобрениями к заметному снижению затрат. В них высокая концентрация питательных веществ повышает эффективность их доставки к потребителям.

После обретения независимости в нашей стране на основе широкомасштабных мероприятий путем организации на высоком уровне ряда научных исследований и разработки экономично эффективных способов их применения в сельском хозяйстве достигнуты теоретические и практические результаты по развитию создания технологий получения азот, фосфор, калийсодержащих удобрений, а также других питательных компонентов на основе местного сырья. В этом отношении следует особо отметить те удобрения (аммофос, нитрофос, суперфосфат, аммиачная селитра и др.), которые служат повышению урожайности культур. Вместе с тем, эти удобрения по составу не способствуют получению высокого урожая из культур, к тому же не учтен повышенный расход энергии при их производстве. В третьем направлении стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистана намечены важные задачи «последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистых продуктов, существенное повышение экспортного потенциала аграрного сектора». В этом направлении важной задачей является разработка рациональной технологии производства новых видов высокоэффективных сложных суспендированных удобрений на основе высококарбонатных фосфоритов Центральные Кызылкумов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации

производства на 2015-2019 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистана в 2017-2021 годах» и Постановлением Призидента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В научно-технической литературе имеется обширный объём материалов и широко освещены данные по получению жидких и суспендированных удобрений. В Узбекистане под руководством М.Н.Набиева создана школа по технологии неорганических веществ, при ней по производству жидких удобрений Б.М.Бегловым, Ш.С.Намазовым, С.М.Таджиевым, С.Тухтаевым, А.М. Амировой, Б.Э.Султоновым, З.К.Дехкановым, Н.С.Бахриддиновым, Д.Ш.Шеркузиевым, У.Ибрагимовой и другими представителями осуществлены широкомасштабные работы, в результате которых внесён огромный вклад по созданию технологий минеральных удобрений и развитию науки. Б.Э.Султоновым, З.К.Дехкановым и Д.Ш.Шеркузиевым получены частично фосфор содержащие жидкие кальциевые удобрения путем разложения Кызылкумских фосфоритов кислотой, её промывки водой или органическими растворителями с последующим разделением на твердое и жидкое фазы центрофугированием.

В мире L.T.Herbert, S.S.Lanyi, R.Slinksiene, C.James, G.Panayotova, В.Н.Мищенко, А.Г.Степченко, О.Б.Дормешкин, Н.Travis, Т.М.Bhatti, W.P.Kennedy, К.W.Keenan и другие ученые провели ряд научно-исследовательских работ по получению и разработки технологии жидких и суспендированных удобрений, содержащих серу в форме сульфатных солей.

Но следует отметить, что вышеуказанными и другими учеными до настоящего дня не проводились исследования по созданию технологии получения высокоэффективных азот-, фосфор- и калийных сложных суспендированных удобрений с инсектицидной активностью на основе переработки высококарбонатных фосфоритов при неполной норме азотной кислоты в присутствии серы.

